



«ТАСДИҚЛАНГАН»

«UNIVERSAL SUG`URTA» АЖ  
Кузатув Кенгаши Раиси

\_\_\_\_\_ 3.А. Музатов

«UNIVERSAL SUG`URTA» АЖ  
Кузатув Кенгашининг  
28.11.2014 йилдаги 26-сонли  
баённомаси

**2015 йил учун  
"UNIVERSAL SUG`URTA"  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ**

**БИЗНЕС - РЕЖАСИ**

**МУНДАРИЖА:**

- 1. Суғурта бозори таҳлили**
- 2. 2014 йил 9 ойлик якунлари бўйича Компаниянинг суғурта бозоридаги ўрни**
- 3. 2014 йил 11 ойлик якунлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида қисқача маълумот**
- 4. 2015 йил учун Компаниянинг ривожланиш стратегияси**
- 5. 2015 йил учун молия режаси**
- 6. 2015 йил учун прогноз молиявий кўрсаткичлар (1- сонли Илова)**

## **Суғурта бозорини таҳлили**

Прогноз бўйича, 2014 йил 9 ойлик якунлари бўйича суғурталовчилар томонидан 318 млрд. сўм миқдорида суғурта мукофоти йиғилган бўлиб, ўтган йил кўрсаткичларига нисбатан 29 фоиз ўсишни кўрсатади:

2014 йил 9 ойлик якунлари бўйича суғурта тўловларининг ҳажми динамикаси (ўзгариш суръати) суғурта тўловларининг ўсиш суръати суғурта мукофотини йиғими суръатидан пастигини кўрсатади.

Шу билан бир қаторда, 2014 йил 9 ойлик якунлари бўйича суғуртанинг барча турлари бўйича суғурталовчилар томонидан амалга оширилган суғурта тўловлари суммаси умумий қиймати 53,11 млрд сўмни ташкил этди, бу эса ўз навбатида 2013 йил натижасига нисбатан 2,5% фоиз ўсишни намойиш этади.

Бунда, суғурта мукофотлари зааралик даражаси хорижий бозордагига нисбатан хали хам паст даражада қолаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

2014 йилда суғурта тўловларининг ўсиши ихтиёрий ва мажбурий суғурта бўйича тўловларни ўсиши ҳисобига тўғри келади.

Бозорнинг ўсиши қабул қилинган суғурта мажбуриятларининг ҳажми динамикаси билан тасдиқлананади. 2014 йил 9 ойида 2013 йил 9 ойлиги қараганда 101,42 трлн. Сўмга кўп суғурта мажбурияти қабул қилинган. Натижада ушбу кўрсаткич 73%га ошиб, 240.16 трлн. сўмга етди. Агар суғурта мажбуриятлари ҳажми маълум даражада суғурталовчининг суғурта соҳаси ҳажмини акс эттиришини хисобга оладиган бўлсак, у холда суғурта бозорининг суғурта соҳаси 2014 йилда 73 фоизга ўсишини таъкидлаш мумкин.

## **Компаниянинг суғурта бозоридаги ўрни**

2014 йил 9 ойлиги якунлари бўйича «Universal Sugurta» АЖ суғурта мукофоти йиғими тахминан 5666,36 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, суғурта бозоридаги суғурта мукофотлари умумий ҳажмининг 1,78 %ига тўғри келади ва бозорда 14 ўринни эгаллайди (прогноз бўйича 2015 йилда Компаниянинг суғурта мукофоти йиғими 7500 млн.млн.сўм атрофида ташкил этади).

Дастлабки натижаларга кўра, «Universal Sugurta» АЖ суғурта мукофоти йиғими ўтган йил натижалари билан таққослагандан, 5%га ўсанлигини намойиш этди.

2014 йил 9 ойлиги якунлари бўйича суғурта тўловлари ҳажми 919.8 млн сўмни ташкил этиб, бу бозордаги суғурта тўловлари ҳажмининг 1,73% и демакдир, зааралик даражаси эса 16,2%ни ташкил этган (бозор бўйича зааралик даражаси 20,9%ни кўрсатган). Йил натижаси бўйича тахминий зааралик шу 16,7 % даражада қолиши мумкин.

**2014 йил 11 ойлик якунлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида қисқача маълумот**

Жорий йилнинг 11 ойи давомида бизнес-режада белгиланган мақсадларга мувофиқ куйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Суғурта мукофоти йигими йилнинг якунига бориб тахминан 7 500 млн.сўмни ташкил этиши прогноз қилинмоқда, бу эса 2014 йил учун белгиланган режанинг тахминан 84,12% ёки бўлмаса ўтган йилдаги йигимнинг 5,6% га кўпdir. (2013 йилда 7 090 млн сўм миқдорида мукофот йигилган).
2. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”тг Конунига (янги таҳрирда) мувофиқ, Жамият мулкчилик шаклини ЁАЖдан АЖга ўзгартириш бўйича ишлар олиб борилди. Янги қонуннинг шартларига мувофиқ, Жамият янги таҳрирдаги устави, Жамият Кузатув кенгаси, Тафтиш комиссияси ва ижроия органи тўғрисида низомлар ишлаб чиқилди
3. Жамият устави оширилиб, унинг миқдори 9 500 660 000 сўмга етказилди.
4. Тошкент шахридаги рентабиллик даражаси паст бўлган ТВЭФЖМСК полисларини сотиш нуқталари ёпилди.
5. Компаниянинг моддий-техник базасини яхшилаш куйидаги асосий воситаларни харид қилиш ҳисобига амалга оширилди:

Номи	2014 йилга бюджет бўйича сумма.	2014 йил давомида харид қилинган .
Офис жихозлари	100 000 000 сум	96 745 700 сум
Оргтехника	50 000 000 сум	23 746 513,00 сум
Автомашиналар	250 000 000 сум	28 959 824,52 сум
Жами	400 000 000 сум	149 452 037.52 сум

### **2015 йил учун Компаниянинг ривожланиш стратегияси**

2016 йилда Компания фаолиятининг асосий йуналишлари сифатида қуйидагиларни белгилаш зарур:

1. Суғурта мукофотининг тахминий йигими 10 536 млн.сўм миқдорида бўлиши.
2. Янги бўлимларни очиш ва сотиш бўйича бўлинмалар ишчиларининг миқдорий ва профессионал таркибини ошириш йўли билан Компаниянинг минтақавий тармоқларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.
3. Компаниянинг сотиш бўйича бўлинмалари ва маъмурий- бошқарув таркиби ишчиларини рағбатлантирувчи тизимларини такомиллаштириш (узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси шартномаларини тузган ҳолда ишчиларнинг ижтимоий кўллаб-куватлашни белгилаш).
4. Кўшимча янги оргтехникаларни харид қилиш, эскирганларини алмаштириш, ва

керакли жиҳозлар ва автотранспорт воситаларини харид қилиш йўли билан Компаниянинг, шу билан бирга унинг минтақавий филиалларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Номи	2015 йилда харажатлар суммаси
Офис жиҳозлари	100 000 000 сўм
Оргтехника	100 000 000 сўм
Автомашиналар	400 000 000 сўм
Жами (прогноз)	600 000 000 сўм

5. Дастурий маҳсулотларни харид қилиш ва татбиқ этиш йўли билан Компаниянинг ҳисоб ва ҳисботлар тизимини мақбуллаштириш.

### **2015 йил учун тахминий молиявий кўрсаткичлар**

#### **1. Асосий фаолият бўйича даромадлар прогнози**

2015 йил учун белгиланган режаларга мувофиқ, суғурта мукофотлари йиғими тахминан 10 536 млн.сўм микдорида бўлади, бунда суғурта хизматини кўрсатишдан соф тушум 8 769,67 млн сўм даражада бўлиши кутилмоқда.

#### **2. Компаниянинг инвестиция фаолиятидан олинадиган даромади прогнози**

Компания 770, 43 млн.сўм микдорида инвестициялардан даромад олишни мақсад қилиб қўйган:

- Банк депозитлари фоизлари – 492,54 млн.сўм
- Қимматли қоғозларга инвестициялар – 277,89 млн.сўм

#### **3. Компаниянинг харажатлари прогнози**

#### **Компаниянинг маъмурий ва бошқа операцион харажатлари**

2015 йил учун Компаниянинг операцион харажатлари прогнози 2014 йил 9 ойлик ишлар якуни бўйича жорий харажатлар таҳлилига асосланади. Дастраски ҳисоб-китобларга кўра, солиқ ва бюджетга тўловларни инобтга олган ҳолда Компаниянинг операцион харажатлари тахминан 5 474,17 млн. сўмни ташкил этади.

Компаниянинг юқорида келтирилган даромал ва харажатларидан келиб чиқсан ҳолда 2015 йилдаги тахминий фойдаси 328.95 млн.сўмни ташкил этади.